

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**296 Жиззах политехника институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**

Минтақанинг ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириш, раҳбар ва илмий-педагогик кадрларнинг касбий даражасини ошириш, ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни ва сифатини яхшилаш, шунингдек Жиззах политехника институтининг яратилган ўқув ва моддий-техника базасидан янада самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Жиззах политехника институтининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 27 нафардан иборат бўлган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2012/2013 ўқув йили учун Жиззах политехника институтига қабул қилиш квотаси, 2-иловага мувофиқ, бакалаврлар тайёрлаш бўйича 565 киши, шу жумладан давлат грантлари бўйича — 185 киши ва пулли-контракт асосида — 380 киши этиб белгилансин.

3. Жиззах политехника институтининг раҳбар кадрларини ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссия 3-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

4. Комиссия (Б. Ходиев):

Жиззах политехника институтининг раҳбар кадрларини ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ҳафта муддатда:

Жиззах политехника институтининг раҳбар кадрларини ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказсин;

институтни юқори малакали, замонавий талабларга жавоб берадиган бошқарув кадрлари, илмий ва педагог кадрлар билан таъминласин.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда Жиззах политехника институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

институт йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурлари ва режаларининг, шунингдек услубий қўлланмаларнинг мазмунини такомиллаштириш;

ўқув аудиторияларини компьютерлар ва ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан, ўқув лабораторияларини замонавий приборлар ва асбоб-ускуналар билан қўшимча равишда жиҳозлаш, қурилиш ва йўл қурилиши материаллари лабораториясини ташкил этиш;

республиканинг тегишли таълим йўналишлари бўйича базавий олий ўқув

* 3-илова берилмайди.

юртларида: Тошкент давлат техника университетиди, Тошкент автомобиль-йўллар институтиди ва Тошкент архитектура-қурилиш институтиди институт ўқитувчиларининг малакасини оширишни ташкил этиш;

илмий салоҳиятни, шу жумладан республиканинг соҳа бўйича етакчи техника олий ўқув юртларида стажёрлар-тадқиқотчилар, изланувчилар ва магистрларни (институт кафедралари учун) мақсадли тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш йўли билан мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш;

хорижий тилларни ва ахборот технологияларини ўқитишнинг замонавий услубларини жорий этиш, ўқитувчилар томонидан амалий инглиз тилини ўзлаштириш.

6. Жиззах вилояти ҳокимлиги (С. Исмаилов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б. Ходиев) билан биргаликда Жиззах политехника институтининг лаборатория корпуси учун бино ажратилишини ўрганиб чиқсин ва 10 кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 29 июнь,
187-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 29 июндаги 187-сон қарорига
1-ИЛОВА

Жиззах политехника институтининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг умумий сони — 237 нафар,
шу жумладан бошқарув ходимлари сони — 27 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 29 июндаги 187-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2012/2013 ўқув йили учун Жиззах политехника
институтига қабул қилиш
КВОТАСИ**

Т/р	Бакалавриат йўналишлари	2012/2013 ўқув йили учун қабул қилиш квотаси		
		ҳаммаси	шу жумладан:	
			грант	контракт
		565	185	380
1.	Кимё технологияси (ишлаб чиқаришлар турлари бўйича)	50	10	40
2.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш технологияси	30	10	20
3.	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)	60	20	40
4.	Енгил саноат буюмларини конструкциялаш ва уларнинг технологияси (тармоқлар бўйича)	50	20	30
5.	Биолар ва иншоотларни қуриш (турлар бўйича)	40	10	30
6.	Транспорт иншоотларидан фойдаланиш (транспорт турлари бўйича)	70	25	45
7.	Муҳандислик коммуникацияларини қуриш ва монтаж қилиш (турлар бўйича)	40	10	30
8.	Автомобиль йўллари	50	20	30
9.	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	30	10	20
10.	Ер усти транспортлари тизими ва улардан фойдаланиш (транспорт турлари бўйича)	60	20	40
11.	Касб-ҳунар таълими (йўналишлар бўйича)	60	20	40
12.	Атроф муҳит экологияси ва муҳофазаси (тармоқлар бўйича)	25	10	15